Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

2009 ЙИЛ, 26 МАРТ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ №61 (11.372) Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси 2009 йил 27 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **ШАЙХОНТОҲУР** туманида жойлашган транспорт касб-ҳунар коллежи янги замонавий бинога кўчиб ўтди. Бино атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга аҳд қилган жамоа Наврўз байрами кунлари "Ҳар бир ўқувчига бир дарахт" шиори остида ҳашар уюштирди. Шу куни 800 дан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

● **ШАҲАР** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз тарихида тутган ўрни» мавзуида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда халқ таълими муассасалари ўқитувчилари иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат педиатрия ва тиббиёт институтида «Нигоҳларда кўркам либослар» мавзуида талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида уюштирилди.

● **КЕЧА** шаҳримизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни модернизациялашнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда тадбиркорлар иштирок этишди.

● **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида партия фаоллари иштирокида ўтказилган семинар жамият тараққиёти ривожида сиёсий партияларнинг ўрни масаласига бағишланди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар 1-сил касалликлари шифохонасида Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида шифокорлар иштирокида ўтказилган тадбир «Мен силни тўхтата оламан» деб номланди.

● **КЕЧА** 2-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирокида Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан уюштирилган футбол турнири эзгулик айёми Наврўзга бағишланди.

● **КЕЧА** шаҳримизда Осиё теннис федерациясининг конгресси бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги 69-мактабда туман маданият ва спорт ишлари бўлими, туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида «Балли, ёшлар» мавзуида уюштирилган кўрик-танловда 8,9-синф ўқувчилари беллашди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

**ЯРМАРКА ИШИ ДАВОМ ЭТАЁТГАН БЎЛСАДА, АММО ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР, ЭНГ МУҲИМИ — БУ ЕРДА ҲУКМ СУРАЁТГАН ЎЗИГА ХОС ҲАЖЖИҲАТЛИК ЖАРАЁНИ АЙНАН ШУНДАЙ ДЕЙИШГА АСОС БЎЛАЁТИР.**





## БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ: ТАЛАБ ВА ТАКЛИФЛАР МУШТАРАК

Аввал хабар берилганидек, шаҳримизда **КЕЧА** бўш иш ўринлари ярмаркаси очилди. Унда 870 дан зиёд корхона ва ташкилотлар турли мутахассисликлар бўйича 12 мингга яқин вакант жойларини таклиф этмоқда. Мазкур тадбирни пойтахт ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси уюштирмоқда.

— Давлатимиз сиёсатининг устувор тамойилларидан бири — кучли ижтимоий ҳимоя – Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб ҳар томонлама ўз ифодасини топмоқда, — дейди Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи Олим Раимов. — Эътиборлиси шундаки, мазкур йўналишда белгиланган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида нафақат давлат тузилмалари, балки барча тижорат ва жамоат субъектлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Қолаверса, баҳоли қудрат аҳолининг ўзи ҳам бундай саъй-ҳаракатларда қатнашаётгани эътиборга лойиқ. Зеро, асрлар давомида халқимиз томонидан эъзозлаб келинаётган саховатпешалик, бағрикенглик, ўзгаларга меҳр-оқибат кўрсатиш каби қадриятларимиз ўз моҳиятини йўқотмагани ҳолда янги-янги қирралари билан янада бойиб бормоқда. Меҳнат ярмаркаси — ижтимоий ҳимоянинг бугунги кўринишларидан бири. Шундай бўлсада, агарда диққат билан назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда аждодларимизнинг ўгитлари акс садо бериб, намоён бўлаётганини кўриш мумкин. Иш берувчилар, бандликка кўмаклашувчи идораларнинг вакиллари ҳам расмиятчиликни четга суриб, ҳар бир иш билан қизиқаётган кишига ғамхўрлик билан маслаҳат бераётганининг гувоҳи бўлдик. Бу жараёнда маҳалланинг иштироки ҳам алоҳида эътиборга молик. Фуқаролар йиғинлари фаоллари қўни-қўшниларни, ёшларни меҳрибонларча ярмаркага бошлаб келишаётганини кўриб, ҳайратга тушдик. Шу боис тадбиримиз биринчи кунданоқ мана шундай фаол ва самарали кечди.




Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу борада авваламбор ташкилотчиларнинг хизмати каттадир. Ўтган йили илк марта кенг миқёсда ўтказилган меҳнат ярмаркаси тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, бу сафар ташкилотчилар яна бир қатор янгиликлар киритишга ҳаракат қилдилар ва бу кўпчиликнинг эътиборидан четда қолмади, албатта. Ярмаркани ўтказиш жойи сифатида Алишер Навоий номидаги Миллий боғ танланганининг ўзи мазкур тадбирнинг шунчаки «кўргазма» учун эмас, балки аниқ мақсадга эришишга ҳаракат қилиб ташкил этилганидан дарак беради: ҳар бир манфаатдор томонга зарур шарт-шароитларни яратган ҳолда бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири — аҳолини иш билан таъминлаш масаласига ўта жиддий ёндошилганига шубҳа йўқ. Белгиланган манзил бўйича ҳам ер ости, ҳам ер усти жамоат транспортининг қулайлиги назарда тутилган бўлишига қарамасдан, туман ҳокимликлари маҳаллалар фаоллари билан келишган ҳолда алоҳида махсус «Мерседес» русумли автобусларни ташкил этгани ҳам ярмаркага қизиқиш билдирганларни кенг жалб этишга хизмат қилди.

Ҳаттоки Миллий боғнинг саҳналари ҳам бўш қолмади, десак бўлади. Ушбу хайрли тадбирга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида ўнлаб профессионал ва ҳаваскор хонандаю созандалар амалий муҳитга ўзига хос байрамона кайфият киритишди.

**БУГУН** меҳнат ярмаркаси ўз ишини давом эттирмоқда. Шу ернинг ўзида ташкил этилган ярмарка штабидан олинган тезкор маълумотларга кўра, **кеча** 12 мингга яқин пойтахтимиз аҳолиси бу ерга ташриф буюриб, 7,4 мингдан зиёди истаган касби ёки ўз маҳорати бўйича ишга таклифномаларни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**СУРАТЛАРДА: бўш иш ўринлари ярмаркасидан лавҳалар.**

**Абдувоҳид Тўраев (ЎзА) олган суратлар**

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигида «Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чора-тадбирлари» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини енгиллаштиришда, жумладан, аҳоли ўртасида тегишли тушунтириш ишларини олиб боришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти катта эканлиги таъкидланди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида Бутунжаҳон сув ресурслари ва Бутунжаҳон метеорология кунларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

● **Урганч шаҳрида Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судларининг судьялари иштирокида минтақавий ўқув-семинари бўлиб ўтди.**

● **Бухоро шаҳридаги «Бухоро» меҳмонхонаси польшаликларнинг беш миллион долларлик маблағи ҳисобига қайта таъмирланиб, «Бухоро—гранд» номи билан фаолият кўрсата бошлади. Тўрт юлдузли меҳмонхона мақомини олган ушбу муассаса кунига 228 нафар меҳмонга намунали хизмат кўрсатиш имкониятига эга.**

● **Фарғона вилоятида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 443 та истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилди, 2008 йилда бу борада 7,3 миллиард сўмлик ишлар бажарилди.**

● **Урганч шаҳрида «Самхозшифер» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Айни пайтда бу ерда замонавий дастгоҳларни ўрнатиш ишлари бажарилмоқда. Ушбу корхона фаолиятини бошлагач, 200 киши иш билан таъминланади, кунига 5 минг дона сифатли шифер ишлаб чиқарилади.**

● **Урганч шаҳрида иш бошлаган «Гиламчи-Карпет» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасига Бельгиядан 392 минг АҚШ долларилик замонавий гилам тўқиш дастгоҳлари олиб келиниб ўрнатилди. Натижада бу ерда йилига 80 минг квадрат метрдан ортиқ гилам ишлаб чиқариш имконияти туғилди.**

### ЖАҲОНДА

● **Кеча АҚШ ва Франция Президентлари Барак Обама ҳамда Николя Саркози «йигирматалик» саммити олдидан тегишли масалалар юзасидан телефон орқали мулоқот ўтказдилар.**

● **Венесуэла Президенти Уго Чавес денгиз ва ҳаво транспортларини бошқарувчи давлат корпорациясини ташкил этиш тўғрисидаги фармонни имзолади.**

● **Бугун Чехия Бош вазири вазифасини бажарувчи Мире Тополанек расмий равишда истеъфога чиқди.**

● **Кеча АҚШнинг Калифорния штатида бешинчи авлодга мансуб бўлган F- 22 русумли замонавий қирувчи самолёт ҳалокатга учради.**

● **Шимолий Корея ўзининг «Тэпходон» русумли баллистик ракетасини парвозга тайёрлаб қўйди.**

● **Швеция ҳукумати давлат компанияларига ўз ходимларига бонус тўлашни тақиқлайди. Шу тўғрида тадбиркорликни ривожлантириш вазири Мауд Улофссон ва молия вазири Андерс Борк таъкидлаб ўтишди. Бундан ташқари, мамлакат маъмурлари хусусий компаниялар раҳбарларига ҳам ўз ходимларига бонуслар тўлашдан воз кечишни таклиф қилмоқдалар.**

● **Куба сиёсатининг икки нафар фахрийси — 1959 йилги инқилоб қатнашчилари 82 ёшли Педро Мерит ва 78 ёшли Османий Сьенфуэгос Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосарлари лавозимидан истеъфога чиқишди.**

● **Сурия Президенти Б.Асад ўз мамлакатининг ядро реакторига эга эмаслигини билдирди.**

● **Германиялик икки нафар механик дунёдаги энг қимматбаҳо ўйинчоқни тайёрлашди.**

● **Швейцариянинг Альп тоғлари атрофидаги хушманзара гўша ўз аксини топган 10 километрлик ўйинчоқ темир йўлнинг баҳоси 10 миллион евродир.**

● **Жорий йилнинг 9 февраль куни Пекиндаги осмонўпар бинони куйдириб кул қилган ёнғинда айбланган ҳолда 12 киши ҳибсга олинди. Уларнинг 8 нафари фейерверкларни ташкил этиш бўйича компаниянинг ходимларидир. Уларнинг айблари исботланса 7 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинишади.**

***Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби кўплаб хорижий мамлакатлар етакчи иқтисодчилари, таҳлилчи ва экспертлари орасида катта қизиқиш уйғотмоқда.***

## ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ПРЕЗИДЕНТ АСАРИ ҲАҚИДА

Китобни таҳлил қилар экан, мутахассислар асарда жаҳон молиявий инқирозининг туб моҳияти ва сабаблари, унинг иқтисодиётга салбий таъсири чуқур таҳлил этилгани, юзага келган мураккаб вазиятдан чиқиш йўллари акс эттирилгани, шунингдек, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари атрофлича ёритилганини таъкидламоқда.

Бу ҳақда сўз юритиб, **Шанхай халқаро тадқиқотлар институти Россия ва Марказий Осиё департаменти директори ўринбосари Цян Сяоюнь,** жумладан, Президентнинг инқироз бирор мамлакатни четлаб ўтишига умид қилиш, унинг таъсирини инкор қилиш ниҳоятда ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлиши тўғрисидаги фикрига эътибор қаратади.

Цян Сяоюннинг айтишича, ислоҳотларни амалга ошириш ва модернизациялашнинг ўзига хос моделини ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида ишлаб чиқилган Ўзбекистон молия-иқтисодий ва банк тизимидаги ҳимоя механизмлари эвазига мамлакатда молия-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимлари, шунингдек, турли корхоналар ва иқтисодиётнинг реал сектори барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлаш учун мустаҳкам ва зарурий ресурслар базаси яратилган.

«Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида мамлакатда иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорликнинг юқори, барқарор ва мутаносиблашган суръатига эришилиб, тизимни тубдан ислоҳ қилиш, иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш борасидаги узоқ муддатга мўлжалланган вазифаларни ҳал этишда ижобий натижалар қўлга киритиляпти, — дейди Цян Сяоюнь. – Муаммо ва қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистонда ўтган йили нафақат иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатиши, балки унинг юқори суръатдаги ўсишини таъминлашга ҳам эришилди.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда, авваламбор, мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш, либераллаштириш ва модернизациялаш, унинг тизимларини диверсификация қилиш борасидаги оқилона, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат инқироз ва бошқа шу каби таҳдидларнинг салбий таъсиридан сақлайдиган мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди».

Сўзининг якунида Цян Сяоюнь Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилаётган сиёсат нафақат жаҳон молия-иқтисодий инқирози таҳдидларига самарали қарши туриш, балки инқироз енгиб ўтилгандан кейин янада кучли ва барқарор иқтисодиётнинг шаклланишига, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатини сақлаб қолишга, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтириш масалаларини муваффақиятли тарзда ҳал этишга хизмат қилишини таъкидлади.

*(Давоми 2-бетда).*

# ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ПРЕЗИДЕНТ АСАРИ ҲАҚИДА

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

**Франциянинг иқтисодий конъюктура маркази тадқиқотлар бўлими катта иқтисодчиси С. Левассор** Президентнинг асарида жаҳон иқтисодиётида юзага келган инқирознинг сабаб ва оқибатлари аниқ кўрсатиб берилганини қайд этади. «Марказимиз мутахассислари Ўзбекистон раҳбарининг инқироз жаҳон молия тизими жаҳон иқтисодиётидан устун туриши тўғрисидаги фикрни шубҳа остига қўйгани тўғрисидаги қарашига қўшилади, — дейди эксперт. — Ўзбекистондаги макроиқтисодий чоралар, хусусан, бюджет ва валюта сиёсатидаги тадбирларни биз ижобий баҳолаймиз ва улар ўз вақтида қабул қилинди деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатдики, давлатнинг ўтиш давридаги ислоҳотларни назорат қилиши молиявий инқироз салбий оқибатларининг олдини олиш имконини беради. Бу пайтда эса бошқа давлатлар мазкур салбий оқибатларнинг таъсирини тўлиқ сезди. Шу билан бирга, жаҳон глобал молиявий-иқтисодий бозорининг ажралмас қисми бўлгани ҳолда, ҳеч бир мамлакат ўзича алоҳида яшай олмаслиги ва ривожланмаслиги табиий.

Шу маънода Ўзбекистоннинг иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш борасидаги режаларини фақатгина олқишлаш мумкин, зеро улар мамлакатнинг халқаро савдо соҳасига янада жадалроқ интеграциялашувига хизмат қилади. Шу билан бирга, банк ва молиявий тузилмаларга қўшимча ёрдам кўрсатиш, иқтисодиёт реал сектори корхона ва компаниялари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш тузилмаларига уларнинг экспорт имкониятларини ошириш учун солиқ имтиёзлари бериш борасидаги чоралар дастури иқтисодиёт асосини кучайтиришга хизмат қилади».

**Португалиянинг «Диару ле Нотисиаш» кундалик нашри иқтисодий таҳлилчиси Р. де Бокасташ** Ўзбекистон Президентининг айни пайтда жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари ва ривожланиши башоратлари, шунингдек уни енгиб ўтиш йўллари борасида жавоблардан кўра саволлар кўпроқ экани тўғрисидаги фикрини қўллаб-қувватлади.

— Китоб жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш масалаларини бугунги Ўзбекистоннинг иқтисодий шароитидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этиши билан алоҳида аҳамият касб этади, — дейди эксперт. – Шу ўринда Ўзбекистонда давлат томонидан иқтисодиёт механизмлари ишлашининг самарадорлигини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш борасида қабул қилинган тезкор чора-тадбирлар эътиборга молик.

Эксперт шунингдек, Ўзбекистон Президентининг мамлакат иқтисодиёти халқаро молиявий-иқтисодий алоқаларга тобора чуқурроқ интеграциялашиб бораётган бир пайтда, инқироз ва унинг оқибатлари мамлакатга қайсидир маънода салбий таъсир ўтказишда давом этиши тўғрисидаги фикри асосли эканига эътибор қаратади.

— Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида ҳар бир мамлакат миқёсидаги бу каби сафарбарлик айни пайтда тобора кенгайиб бораётган жаҳон молия-иқтисодий инқирозини самарали енгиб ўтишга хизмат қилиши шубҳасиз, — деди эксперт.

**Латвиянинг етакчи иқтисодчиларидан бири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Илья Герчиков**, Президентнинг асарида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ниҳоятда теран таҳлили ва Ўзбекистон шароитида уни енгиб ўтиш борасидаги чуқур ўйланган ва амалга ошириш реал бўлган чора-тадбирларни ифода этишини таъкидлайди.

— Инфратузилмани ривожлантириш, давлатнинг кичик бизнесни, шу жумладан, банк тизимини қўллаб-қувватлаши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник жиҳатдан янгилаш – бу Ўзбекистон ҳукумати томонидан ўз вақтида амалга оширилаётган чоралардир, — дейди И. Герчиков. — Ўзбекистондаги молиявий-иқтисодий вазиятга салбий таъсир ўтказилишининг олдини олган асосий сабаблардан бири эса китобда батафсил айтиб ўтилган мамлакат раҳбариятининг мўътадил ва аниқ пул сиёсатидир.

Экспертнинг фикрича, инқирозга қарши чоралар дастурида қишлоқ хўжалиги ва фермерликни ривожлантириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, уни мақсадли кредитлаш, қайта ишлаш саноатини такомиллаштириш борасидаги аниқ тадбирлар кўзда тутилган бўлиб, бу, ўз навбатида, янги иш жойларининг яратилиши ва иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига хизмат қилиши билан ҳам эътиборга молик.

— Ўзбекистон ўзини ўзи таъминлайдиган мамлакат бўлиб, улкан ресурслар ва салоҳиятга эга. У Марказий Осиё давлатларининг ривожланиши жараёнида етакчи аҳамият касб этади. Китобда урғу берилган устувор мақсадларни амалга ошириш, дунёнинг қатор давлатларида, жумладан, иқтисодий ривожланган давлатларда ҳам инқироз чуқурлашиб бораётган бир пайтда, Ўзбекистонга ривожланишнинг янги, янада юқори даражасига чиқиш имкониятини бериши шубҳасиз, — деди И.Герчиков.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби тақдимоти Украина Миллий авиация университетининг Халқаро алоқалар институтида бўлиб ўтди.

Асар тақдимот иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Институт талаба ва ўқитувчилари ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этиб, китоб ҳақидаги таассуротлари билан фаол ўртоқлашишди.

Тадбирда сўзга чиққан **институт директори О. Дёмин**, Ўзбекистон Президентининг китоби ўз вақтида ёзилган ва ниҳоятда долзарб асар эканини қайд этди ва тақдимот маросими Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги ривожланиши ва мамлакатда жаҳон молиявий-инқирози оқибатларини енгиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида чуқурроқ маълумот олиш имкониятини берганини таъкидлади. Иқтисодиётни ислоҳ қилишда давлатнинг ролини юқори баҳолаб, олим Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ва уни Украина шароитида қўллаш имкониятига алоҳида эътибор қаратди.

**Институт проректори В. Дорошенко** Ўзбекистоннинг ўзига хос муҳим жиҳатлари – жадал иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ва инвестиция киритиш учун яратилган қулай шароитлар баробарида, ижтимоий соҳага устувор эътибор қаратилиши, мамлакат раҳбариятининг аҳоли турмуш даражасини юксалтириш доимий диққат марказида эканлигини айтиб ўтди.

**«Экономические обозрения» газетаси шарҳловчиси В. Москаленко** инқироз шароитида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган дастурларини амалга ошириш бошқа мамлакатлар учун ҳам ибратли мисол бўлишини таъкидлади.

– Бугунги кунда улкан молиявий захираларга эга бўлган мамлакатлар кўп, — деди журналист. — Аммо инқироз шароитида улардан самарали фойдаланиш, ўзининг ишлаб чиқариш корхоналарини қўллаб-қувватлаш айниқса муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг реал секторидаги дастурий чора ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали Ўзбекистон раҳбарияти нафақат инқироз асоратларини юмшатиш, балки мамлакат компанияларининг халқаро бозордаги нуфузини янада юксалтириш йўлларини намойиш этмоқда.

**«Жаҳон» АА**

---

Тинчлик ва дўстлик рамзи 2200 2009 Тошкент

**ҚАДИМ ШАРҚ ТАМАДДУНИДА УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР ЯСАГАН, БУЮК АЛЛОМАЛАР ЮРТИ, ҲАМИША НАВҚИРОН ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ТОБОРА ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН 2200 ЙИЛЛИГИ ШОДИЁНАЛАРИНИ МУНОСИБ ҚАРШИ ОЛИШГА КАТТА ТАРАДДУД КЎРИЛМОҚДА.**

## ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН МУСИҚИЙ КЕЧА

Ана шу хайрли ишларнинг самараси ўлароқ, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан туман халқ таълими бўлимлари ҳамкорлигида Ўзбек Миллий академик драма театрида "Ватан ичра ватанимсан — менинг Тошкентим" деб номланган театрлаштирилган мусиқий кеча ўтказилди.

Унда Юнусобод туманидаги мактабларнинг бир гуруҳ истеъдодли ёшлари она-Ватан, таваллуд санаси яқинлашиб келаётган Тошкенти азим, шу азиз юрт истиқлоли ва истиқболини тараннум этадиган мусиқий чиқишларини намойиш этишди.

Тадбирда сўз олган иштирокчилар мустақиллик йилларида педагогика соҳаси, хусусан, шаҳримиз халқ таълими тизимида амалга оширилган ислоҳотлар самараси ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Айниқса, туманлар мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, Меҳрибонлик уйларининг иқтидорли ўқувчилари томонидан бисер, ракета-модель, тўқувчилик, каштачилик, дурадгорлик, гиламдўзлик, миллий миниатюра, рассомлик, ҳунармандчиликка доир кўргазмаларнинг ташкил этилиши иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

---

*Танловлар*

## БАЛЛИ, ҚИЗЛАР!

**ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИ ЎЗЛАРИНИНГ ҲАЁ, ИБОСИ, ОҚИЛА ВА ДОНО ҲАМДА ЗУККОЛИКЛАРИ, ПАЗАНДАЛИКЛАРИ БИЛАН АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИЛАР. БУ МАМЛАКАТИМИЗДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН ТУРЛИ ХИЛ ТАНЛОВЛАР ВА БОШҚА ХИЛ ТАДБИРЛАРДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА.**



Яқинда Юнусобод туманидаги 51-оилавий поликлиника ҳамда Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан Наврўз байрами ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан «Тошкентим аёллари ва болалари соғ бўлсин» мавзусида «Балли, қизлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали, Юнусобод туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси вакиллари ҳамда 51-оилавий поликлиника тиббиёт ходимлари ва маҳалла фаоллари иштирок этдилар. Танловда тумандаги «Шаҳристон» маҳалласидан, 63-мактабда таълим олган ва 51-оилавий поликлиниканинг ибратли, доно ва лобар қизлари қатнашдилар. Қизлар бешта шарт бўйича, яъни саломлашув, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тарихи, тиббий соҳага оид савол-жавоблар, «Пиширган таомим — дардларга малҳам» ва эркин мавзуда ўзаро беллашдилар. Танлов қатнашчилари ўзларининг тиббиёт соҳасидаги билимлари, зукколиклари, пазандаликларини, рационал овқатланиш, касалликларнинг олдини олиш ҳамда шаҳримиз тарихига оид билим ва маҳоратларини намоён этиб, йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлдилар. Айниқса, иштирокчиларнинг тиббиёт соҳасига доир айрим камчилик ва нуқсонларни саҳна кўринишлари орқали маҳорат билан намойиш этганликлари кўпчиликка манзур бўлди. Қизларнинг ҳар бир чиқишларини ҳайъат аъзолари муносиб баҳолаб бордилар.

— Наврўз байрами ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан мазкур танловни ўтказишимиздан мақсад, ўсмир қизларимизнинг тиббиёт соҳасида, рационал овқатланиш, турли хил касалликларнинг олдини олиш, пазандачилик бўйича ҳамда Тошкент шаҳрининг тарихи ва бугуни ҳақидаги билимларини бойитишдан, энг асосийси уларни оилага тайёрлашдан иборат, — дейди 51-оилавий поликлиника бош шифокори Гўзал Қодирова. — Албатта, қизларимиз бўлғуси оналардир. Уларнинг айниқса тиббиёт ва пазандачилик соҳасидаги билимларини ошириб бориш зарур. Зеро, ҳар бир аёл келгусида ўз оиласининг соғлом бўлишини таъминлайдиган асосий ҳимоячидир. Шу билан бирга қизлар оиланинг бўлғуси бекасидирлар. Шу боис улар ширин ва мазали таомлар, турли хил пишириқлар тайёрлаб, оила аъзоларига тақдим этишса, албатта раҳмат ва олқиш олишади. Ўйлайманки, танловда иштирок этаётган қизларимиз, ҳар бир шарт бўйича синовдан ўтиб, келгусида билмаган нарсаларини ўрганиб, билимларини, маҳоратларини яна ҳам оширишга киришадилар. Иштирокчилар ҳар бир шартга ҳозиржавоблик ва донолик, зукколик билан жавоб бериб, муносиб баҳо олдилар. Бундан ҳаммамиз жуда хурсандмиз.

Ниҳоятда қизиқарли ва байрамона ўтган танловга тумандаги Ҳамид Олимжон номли маданият уйи бадиий жамоаси қатнашчилари ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар, жозибали рақслар яна ҳам файз киритди. Танлов якунида ғолиблар аниқланди. Нигора Тоирова ва Юлдуз Баратова биринчи ўринга муносиб деб топилдилар. Севара Соипова ҳамда Нодира Шарипова эса иккинчи ўринга сазовор бўлдилар. Ғолиблар ташкилотчилар ҳамда ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТДА: танловдан лавҳа.**

---

## ҚАТЪИЙ РЕЖАЛАР АСОСИДА

**БЕКТЕМИР ТУМАНИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ «ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ ВА НАЗОРАТ» БЎЛИМИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2006 ЙИЛ 9 МАРТДАГИ ПҚ, 303-СОНЛИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ТУМАН ҲУДУДИДА 2009 ЙИЛ 1 МАРТ ҲОЛАТИГА НОҚОНУНИЙ РАВИШДА ҚАЙД ГУВОҲНОМАСИСИЗ ВА ЛИЦЕНЗИЯСИЗ АҲОЛИГА АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИДА ПУЛЛИК ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН 24 ТА ФУҚАРОЛАР АНИҚЛАНИБ, ҚОНУНБУЗАР ШАХСЛАРГА НИСБАТАН 03,2 МИНГ СЎМ МИҚДОРИДА МАЪМУРИЙ ЖАРИМА ҚЎЛЛАНИЛДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бектемир тумани ҳудудида ва «Шарқ» ЙПХ масканларида ўтказилган рейд тадбирларида ноқонуний равишда товар-моддий бойликлари сотилаётганлиги аниқланиб, 85 ҳолат бўйича 26000,4 минг сўмлик кийим-кечак ва хўжалик моллари олинган.

Юқоридаги қонунбузар шахсларга нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, инспекциянинг «Маъмурий амалиётни ташкил этиш» шўъбасига чора кўриш учун тақдим этилди.

Бектемир тумани ҳудудида жойлашган 12 та маҳаллаларда аҳоли ўртасида солиқ тўғрисидаги қонунларни ҳамда солиқларнинг давлатимиз иқтисодиётидаги мавқеи ва моҳияти юзасидан тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Маҳаллий солиқ бўйича жисмоний шахслардан ундириладиган ер ва мол-мулк солиқларини ҳисобга олиш ва солиқ тўловчиларни солиққа тортиш борасида участка солиқ инспекторлари томонидан самарали ишлар олиб борилиб, белгиланган ойлик режа кўрсаткичлари тўлиқ бажарилмоқда.

**Улуғбек ЮСУПАЛИЕВ,**
**Бектемир тумани ДСИ бошлиғи ўринбосари**

---

**«КАМОЛОТ» ЁИҲ МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАН БЎЛИМИ КЕНГАШИ, ТУМАН ХТБ, «ГУЛИСТОН» ҲАМДА «ФЕРУЗА» МАДАНИЯТ УЙЛАРИ, ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ ВА 105-СОНЛИ ЁРДАМЧИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТ ҲАМКОРЛИГИДА «АССАЛОМ, НАВРЎЗИ ОЛАМ! МАВЗУСИДА СУМАЛАК САЙЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

## ЎҚУВ МАСКАНИДА СУМАЛАК САЙЛИ

«Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши томонидан 105-сонли мактаб-интернат ўқувчилари учун сумалак тайёрлаб, дастурхон ёзиш анъанаси ҳар йилгидек кўтаринки руҳда ўтди. Бундай хайрли ишни бажариб келаётган ташкилотни нуроний отахон ва онахонлар қўлларини дуога очиб, ишларига ривож тиладилар. «Сумалак сайли» доирасида «Варрак сайли» ва Қувноқ стартлар мусобақаси ўтказилди. Ўқувчилар орасида уюштирилган танловларда I,II ва III ўринлар ҳамда «Энг фаол қатнашган ўқувчи» номинацияси бўйича ғолиблар Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Энг муҳими мактаб-интернат тарбияланувчилари ўзларига кўрсатилаётган эътибордан жуда хурсанд бўлишди. Байрам концерт дастурида қатнашган «Ниҳол», «Ифор» фольклор жамоаларининг мусиқавий чиқишлари йиғилганларга хуш кайфият улашди. Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад эса ўқувчиларни Наврўз байрами билан қутлаш ва уларга доимо эътиборда эканликларини англатиш эди.

Тадбир давомида иқтидорли ва истеъдодли болалар қўллаб-қувватланди. Гўзал ва қувноқ рақслар билан ўтган «Сумалак сайли» барчага бирдек манзур бўлди.

**Малика ДОНИЕВА,**
**«Камолот» ЁИҲ Мирзо Улуғбек туман бўлими матбуот бўлими сардори**

---

*Қарор ва ижро*

## ИШОНЧЛИ ВА ҚУЛАЙ ҲАМЁН

**ЮРТИМИЗДА ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР ОРҚАЛИ САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ ТОБОРА ТАКОМИЛЛАШАЁТГАНИ АҲОЛИГА ҲАР ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2007 ЙИЛ 17 АВГУСТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР АСОСИДА ҲИСОБ-КИТОБ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИГА ОИД ҚАРОРИ БУ БОРАДА МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛАЁТИР.**

Пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга оширишда фойдаланиладиган ускуналар ҳамда зарур материалларни импорт қилиш ва улардан фойдаланишда яратилган божхона ва солиқ имтиёзлари банкларнинг бу борадаги фаолиятини янада рағбатлантирмоқда.

"Ҳамкорбанк" ҳам пластик карточкалар тизимини ривожлантириш ва аҳолига қулайлик яратиш борасида фаол иш олиб бормоқда.

– Пластик карточкалар нақд пул муомаласини тартибга солишда банк учун ҳам, мижоз учун ҳам қулай ва фойдалидир, – дейди "Ҳамкорбанк"нинг пластик карточкалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Сергей Разаков. – Энг асосийси, у аҳолига иш ҳақи ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаш имконини беради. Шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда харид қилинган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларни тезкор амалга оширишда қўл келади.

Айни пайтда пластик карточкаларни муомалага чиқариш, улар билан амалга ошириладиган хизмат турлари ҳажмини кенгайтириш чораларини кўряпмиз. Сервис хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаларида тўловларнинг асосий қисми пластик карточкалар орқали амалга оширилаётгани диққатга сазовордир.

Ҳозир "Ҳамкорбанк"нинг 16 филиалида мижозларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўлга қўйилган. Банк томонидан шу кунгача салкам 28 минг дона пластик карточка муомалага чиқарилди. Юздан зиёд корхона ва ташкилотнинг 27 мингдан зиёд ишчи-ходимининг иш ҳақи пластик карточкалар орқали тўланмоқда. Савдо ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган 473 терминал орқали нақд пулсиз тўлов айланмаси 2008 йилда 20,9 миллиард сўмни ташкил этди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

## САНЪАТ КЕЧАСИ ЎТКАЗИЛДИ

**ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА «ГУЛЛАЁТИР БОҒДА БИНАФША» ДЕБ НОМЛАНГАН САНЪАТ КЕЧАСИ УЮШТИРИЛДИ.**

"Олтин дарвоза" мусиқали театри жамоаси томонидан Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган тадбирда театр жамоасининг машҳур бастакорлари, созандалари, шоирлари, журналистлари ҳамда рассомлари турли жанрлардаги ўз чиқишлари билан қатнашишди.

"Олтин дарвоза" мусиқали театри 2004 йилдан буён фаолият юритиб келади. Унинг иштирокчилари украин, татар, рус, ўзбек, корейс миллатига мансуб. Мазкур мусиқали театр ижодий жамоаси Украина, Корея давлатларида ўзларининг дастурларини намойиш қилишни режалаштирмоқда.

Халқимизнинг миллий санъати ўзининг бетакрорлиги ва ўзига хос жозибаси билан бутун дунёда машҳур. Буюк санъат намуналарини намойиш этиш ва акс эттириш ижодий яратувчанликни юксак даражада эканлигини кўрсатади. Мазкур тадбир ҳам ўзга миллат вакилларининг маданияти, урф-одатлари билан яқиндан танишиш, улар ижодидан баҳраманд бўлиш, маданий ва дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш, шу билан бирга бошқа халқлар маданияти билан яқиндан танишиш имконини беради.

Тадбирда сўзга чиққанлар халқнинг, миллатнинг тарихидан, ўтмишидан, унинг маданияти, анъана ва қадриятларини ўзида мужассам этган санъат ёрдамида баҳраманд бўлиш мумкинлигини эътироф этишди.

Икки кун давом этган мазкур санъат кечаси "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, "Хотира хиёбони" Республика жамоатчилик фонди, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ҳамда "Фармак" ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

## ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**ТОШКЕНТ ФОТО СУРАТЛАР УЙИДА «КЎЗГУДА ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» РЕСПУБЛИКА ФОТО КЎРГАЗМА ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»га бағишланган танловда юртимизнинг бетакрор ва мафтункор табиати, қишлоқ ҳаёти ва юмушлари, миллий анъана ва қадриятлари акс этган ижод намуналари намойиш этилди. Қишлоқларда яшаб, унда кечаётган ўзгаришларга бевосита гувоҳ бўлаётган ҳаваскор сураткашларнинг ижод намуналари танлов ҳайъати аъзолари ва мухлисларда катта таассурот қолдирди.

Анъана тусини олган мазкур танлов айнан профессионал бўлмаган фотосуратчилар ўртасида бу йил учинчи бор ўтказилди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Ўзбекистон Бадиий Академияси, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Тошкент фото уйи ҳамкорлигида ташкил этилган танловнинг якуний босқичида йигирма уч нафар ёш ҳаваскор сураткашлар иштирок этди.

Кўргазманинг ёпилиш маросимида таъкидланганидек, мазкур танлов мамлакатнинг чекка ҳудудларида кечаётган бугунги жараёнлар, қишлоқ аҳолисининг фаровонлиги ва маданий даражаси ўсиб бораётганлиги, ободонлаштириш, бунёдкорлик, ишлаб чиқариш борасида кўзга ташланаётган ютуқлар, яратилаётган шароит ва имкониятларни акс эттирилганлиги билан ҳам аҳамиятли бўлди.

— Ҳар бир санъат энг аввало дунёни ўзига хос англаш воситаси. Санъатлар ичида энг замонавийларидан бири бўлган фото санъати ҳам ўзига хос жиҳатлари ва ёндошуви билан кишини ўзига жалб этади, – деди "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси раиси Амирқул Каримов. – Кўргазмада санъат даражасидаги суратлар борки, уларни бир кўришда оддий бўлиб туюлади. Масалан, отни чўмилтириш жараёни, кўпкари акс этган лаҳзалар қишлоқ ҳаётидаги ҳар кунлик воқеа. Аммо шаҳарда яшаётганлар уларни ўз кўзи билан кўрмаган бўлиши мумкин.

А. Каримовнинг таъкидлашича, ҳаваскор фотосуратчилар кўргазмаси ўзбек фото санъатини янада ривожлантириш, соҳага кириб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган. Кўргазмага қўйилган суратларда ўзбекона қадриятлар нақадар бойлигини кўриш мумкин. Фото асарларда миллий халқ ўйинлари, меҳнаткаш ўзбек халқининг кайфияти моҳирона тасвирланган.

Иштирокчилар танлов шартларига кўра ўз ижодлари орқали қишлоқларда сақланиб келинаётган азалий қадриятлар ва анъаналар, турли хил урф-одатларни ўзгача нигоҳ ила тасвирларда муҳрлашган. Эътиборлиси шундаки кўргазма орқали номлари ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган иқтидорли ҳаваскор фотосуратчилар кашф этилиб, энг муносиб деб топилган суратлар муаллифларининг тажрибалари, услублари оммалаштириладиган бўлди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида Суҳроб Ибрагимов, Бақитжан Тўлебаев, Шермат Латипов, Олим Тошпўлатов каби ўндан ортиқ сураткашлар Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Танловда биринчи ўрин сирдарёлик Фурқат Тошматовга, иккинчи ўрин андижонлик Муроджон Ҳакимовга ва учинчи ўрин қорақалпоғистонлик Қобил Бобожоновга насиб этди.

**«Туркистон-пресс»**

